

ҚЎМИТА СЕССИЯ КҮН ТАРТИБИНИ МАЪҚУЛЛАДИ

Кеча Олий Мажлис Атрофи муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни қўмига раиси Қ.Жумабеков олиб борди. Депутатлар иккинчи чакриқ Олий Мажлисининг навбатдаги саккизинчи сессияси кун тартибини муҳокама қилдилар ва маъқулладилар.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг 2000-2001 йиллардаги иш фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан атроф муҳитни тўғрисидаги қўнун ҳужжатларига, табиатдан фойдаланиш меъёри ва қондаларига риоя этилиши устидан давлат назоратини олиб бориш ҳамда табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ фаолиятни тақомиллаштириш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди. Назоратдаги 17 мингта яқин объект тегиштирилиб, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қўнун ҳужжатларини қўпол равишда бузганлиги учун 11 мингдан ортиқ мансабдор шахслар ва фуқаролар маъмурий жавобгарликка тортилдилар. Атроф, табиат муҳитида келтирилган зарарни қоплаш учун 93,4 миллион сўм миқдорда жарималар солинди ва давлолар келтирилди, бу эса 1999 йилга нисбатан 2,4 баробар кўпдир. Атроф, табиат муҳитида салбий таъсир кўрсатган 3514 та корхона, цех, ҳаракатланувчи манбалар ва иншоотларнинг иш фаолияти тўхтатиб қўйилди. Экологик экспертизадан ўтмаган 447 та объект бўйича қурилишни молиялаштириш тўхтатилди.

Барча вилоятларда атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳудудий ҳаракат дастурлари ишлаб чиқилган. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятида камчиликлар, ечими топилмаган масалалар ва муаммолар ҳам мавжуд.

Атроф табиат муҳитини ифлослантирилганлик учун тўлов бўйича корхоналарнинг қарзларини ундириш ишлари талаб даражасида эмас. Корхоналардан ҳужжатлар қабул қилинганидан сўнг тушган тўловлар қарзларнинг 19,5 фоизини ташкил этади, холос. «Экотранснаторат» экологик пунктлари қурилиши ташкил этилиб, автомобилларни сулоштирилган табиатий газла ишлашга ўтказиш учун газ баллонларини ишлаб чиқариш масаласи сўз эъл этилмоқда.

«Тоза ҳаво» операцияси ўтказиш даврида тегишли қўнун объектлар қамрови қисқариб, тегиштирилган автомобиллар сонини қариб 1,3 мартага камайтган. Йиғилишда сўзга чиққанлар кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш ва табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қўнун ҳужжатларининг бажарилиши устидан назоратни қучайтириш зарурлигини уқтирдилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, йиғилишда қўмига томонидан сессия муҳокамага иккинчи ўқишда киритиш мўлжалланаётган «Чиқиндилар тўғрисида»ги қўнун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Шу нарса таъкидландики, қўнун лойиҳаси матбуотда эълон қилинганидан сўнг қўмига фуқаролар, жамоат бирлашмалари, вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотлардан 200 та яқин тақлиф ва мулоҳазалар олди. Уларнинг ҳаммаси Қўмига томонидан олимлар, мутахассис ва амалдорлар иштирокида синчиқлаб ўрганиб чиқилди, қўнунлиги қўнун лойиҳасида ўз ифодасини топти.

Депутатлар «Чиқиндилар тўғрисида»ги қўнун лойиҳасини маъқулладилар ва қўмига уни парламент сессияси муҳокамага тақдим этишни топишди.

Ўз мухбиримиз.

Ҳамкорлик ришталари

Ўзбекистон — Украина муносабатлари нанкин сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-маърифий, балки табиий бўлишида ҳам тобора мустаҳкамланмоқда. Ўзбекистон ақуерлик ва гинекология илмий тадқиқот институти Нуклео филиали бош шифокорининг ўринбосари, табиий фанлари номзоди Сараул Бозорова Украина таасурутлари билан ўртоқлашди:

«Киевдан кўп нарса ўрганиб қайтдик!»

— Биз — мен ва Қорақалпоғистон Республикаси тез тиббий ёрдам илмий маркази етакчи шифокори Виталий Ким бир ой давомида Украина пойтахтининг энг замонавий тиббий муассасаларида малака ошириб қайтдик. Ушим кўпроқ тургуруналарида, Перинатология илмий-тадқиқот институтида бўлдим. Жаҳонга маълум академик Л.В.Тимошенкодан Ушимни қизқиртирган масалалар, оролбўйилки оналар ва болаларга давлолар саволларига жавоб олдим. Виталий Яковлевич болалар реанимацияси бўйича қўнунлиқ тахрирларини ўқатишди. Қайси муассасага бормайлик украинликларнинг Ўзбекистонга нисбатан самимий ҳурмати ҳис қилдик. Бир олам таасурут, амалий тахрирлар билан қайтдик. Днепр соҳилларида уюштирилган сафаримизни шахсан вазири-миз, Қорақалпоғистон ҳукумати ҳар томонлама қўллаб-қувватладилар. Айна қунда туманида бўлиб Украинада ўрганганларимизни ҳаммасларимизга сўзлаб бермоқчимиз!

«Халқ сўзи» мухбири Янгийб ҚўЧҚОРОВ ёзиб олди.

ХОРИЖДА:

ЕХХТ кузатувчиларини юборди

Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ) Украинада 31 март кунини бўлиб ўтган парламент сайловларига ўз кузатувчиларини юборишга қарар қилган. Бу ҳақда ЕХХТнинг Венадаги вакил-маълум қилган. Кузатувчилар туркушда ташкилот Парламент асамблеясининг вице-президенти Брюс Жорж раҳбарлик қилди.

Яна 400 минг доллар

Япония ҳукумати Афғонистонда юз берган қўнунлиқ зилзила оқибатларини бартараф этиш учун 400000 АҚШ доллари ажратди. Япония Тахқиқот ишлари вазири Йонико Кавагуши ана шу ҳақда хабар тарқатди. Қўнунлик давлати Афғонистонни урушдан сўнг тиклаш учун ҳам 500 миллион доллар ажратган эди.

Уяли телефон одатка айланаркан

Буюк Британияда ўтказилган тадқиқотлар инсон уяли телефонга тамақига оқиланиб қолгандак ўрганиб қолгани мўкинлигини кўрсатган. Агар уяли телефонлар одамларнинг чекиш ёки бошқа зарарли ўрнини боса ола ва уяли «одат» деб баҳолаш мўкин.

«Халқ сўзи», «Туркистон пресс», Интернет.

2002 йил 29 март жума
Сотувда эркин нархда
№ 68 (2896)

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ЖАМҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОРИ

2002-2004 йилларда уй-жой фондини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси қайд этилдики, қўрилатган чора-тадбирларга қарамай Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан 1999-2004 йилларда уй-жой фондини сув ва газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлашнинг тасдиқланган дастурида назарда тутилган газни ҳисобга олиш приборлари ўрнатиш топириқлари бажарилмаган.

Янгидан қурилган ва реконструкция қилинган уй-жойларни газни ҳисобга олиш приборларисиз фойдаланишга қабул қилиш ҳодаларига йўл қўйилмоқда. Сув ва газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқариш дастури топириқлари мўлақоқ қонирқисиз бажарилмоқда. 1999-2001 йилларда республикада Дастурда белгиланган топириқнинг 7 фоизи ҳажмида газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқарилган.

Табиий газдан самарали ва оқилона фойдаланиш, уни истеъмол қилишни ҳисобга олиш даражасини ошириш, ҳамма жойда барча газ истеъмолчиларини газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Кўйилагилар: 2002-2004 йилларда республика ҳудудлари бўйича газлаштирилган уй-жой фондини (квартираларни ва яқна тартибдаги уйларни) газни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш ҳамда республика қорхоналарида газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқариш жадваллари:

газни ҳисобга олиш приборлари ишлаб чиқаришга қарамай қорхоналарда газни ҳисобга олиш приборларига сервис хизмати кўрсатиш ва уларни таъмирлаш тармоқларини барпо этиш топириқли;

газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш, уларни квартираларда ва яқна тартибдаги уйларда ўрнатиш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом;

газни ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлмаган тақдирда аҳолига коммунал-мушйиш ҳақиеҳлар учун берилган табиий газнинг олийқис тарфи нормаси тасдиқлансин;

«Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошқоммунгаз» қорхонаси Ўзбекистон Республикаси уй-жой фондини газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш жадвалини бажариш бўйича буюртмачи этиб белгилансин;

2. Белгилансинки: газни ҳисобга олиш приборларини сотиб олиш ҳамда квартираларда ва аҳолининг яқна тартибдаги уйларда ўрнатиш «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошқоммунгаз» қорхонаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

тегишлидигилан қатъи назар, квартираларда ва аҳолининг яқна тартибдаги уйларда ўрнатишга газни ҳисобга олиш приборларидан фойдаланиш «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг «Бошқоммунгаз» қорхонаси томонидан амалга оширилади;

газ тармоқларига ўзбошимчилик билан уланган ҳодалар аниқланган тақдирда айбдор шахслар амалдаги қонунчиликка мувофиқ жиноий жавоб-

ЕРГА МЕХР ҚЎЙМАДИНМИ, ФЕРМЕР ЭМАССАН!

«Ерни ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш ва ундан қонунга ҳилоф тарзда фойдаланиш фактлари Жиззах, ... вилоятларида кўйлаб учрайди... Ердан ҳўжасизларча ва самарасиз фойдаланиш оқибатида пахта ҳосилдорлиги Зарбдор туманида 11,9 центнер даражасида бўлди».

Тумандаги энг йирик ҳўжалардан бири — И. Курбонов номи жамоада пахта ҳосилдорлиги бунадан-да кам — атиги 9,2 центнерни ташкил этганини билан эса ҳечам муроса қилиб бўлмайдми. Чигит экилган 2447 гектар майдондан бор-йўги 2243 тонна пахта йиғиштириб олинганини айтишга ҳам уялсан. На-тижада шартнома режаси 42 фоизда қўлиб кетди. Галла-чилик учун анча ҳўлди келган йилда ҳам давлатга режа-даги ҳосилнинг 70 фоизи со-тилди, холос.

Янги замон одамлари



Бош чўпон Элмурод Мингбоев

Бу йил ёнгарчилик кўп бўлди. Шу боис Самарқанд вилоятларидаги Нуробод йўловлари ҳам бугун кўм-кўк ўт-ўланлар билан қопланди, кишининг бахри-диллини очмоқда. Бундан, айниқса, «Каттақўрғон» ширкат ҳўжалиги 1-бўлимнинг бош чўпони Элмурод Мингбоев мамнун. Чўнки қиш-ловдан беталофат олиб чиқилган учинч тасаруфулиги 700 бошдан зиёд қўйларнинг озги майсаларга теги.

Мавсумда ҳар юз бош совиладан 110 бошдан қўзи олишни режалаштирганмиз, — дейди у. — Бу нияти-миз, албатта, амалга ошадми. Қўзиларнинг асосий қисминини эса ўстиришга қолдирамиз.

СУРАТДА: бош чўпон Элмурод Мингбоев.

Тахриржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Фармон ва ижро ИНВЕСТИЦИЯ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ

Иқтисодий таъминнинг ҳар томонлама тараққий этишида ҳорижий сармоялар катта аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, чет эл инвестициясини жалб этмай, халқ ҳўжаллигини етакчи тармоқларини модернизациялаш, қорхоналари-мизни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатдор махсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мўкин эмас. Бугунги кунда мамлакатимизда чет эл сармояларини иштирокида ташкил этилган қўша қорхоналар махсулотлари жаҳон бозорига ўз ўрнини топаётгани қувонарлиқ ҳодалар.

Президенти-миз Ислам Каримовнинг 1995 йил 21 августдаги Фармонида мувофиқ ташкил этилган Ҳорижий сармоялар бўйича агентлик Ўзбекистонга инвестиция жалб этиш борсида муайян ишларни амалга оширмоқда.

Маҳаллий тадбиркорларга салоҳиятли ҳорижий ҳам-корлар излаб топиш, қўша қорхоналар ташкил этиш, инвестиция лойиҳаларни амалга оширишнинг барча босқичларида лойиҳа ташаббускорларида амалий ёрдам кўрсатиш агентлигини олданда турган асосий вазифалардан бири — деда агентлик бош директори Шоиш Шоишов: — Аввало, шунини айтиш керакики, ташкилотимиз Инвестицияларни қўллаб-қувватловчи агентликларнинг жаҳон уюшмаси (WAIPA) билан яқин ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Бу борада БМТ Тараққийёт дастури билан фаол ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, «Тараққийёт ҳамкорлик кўрсатиш» дастури бўйича агентлик ҳўзи-нда техник ёрдамни мувофиқлаштириш бўлими ишлаб ту-рибди. Бўлим фаолиятида мамлакатимизга кириб келётган

«ЮРТИМИЗДА: Қариялар ардоқда Фаргона вилоятининг сулим Чимён қишлоғида қўриб битказилган янги саноатхўх нуруний отақону онахонлар иттибига берилди. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акцидорлик компанияси ҳомийлигида бунёд этилган ушбу шифо масканида бир йўла 24 киши дам олиш имкони ятига эга.

Наманганнинг Ҳамза даҳасида эса фахрийлар саноатхўх дастлабки гишт қўйилди. Маъмур маскан-нин уч ойда қўриб битказиш режалаштирилган.

«Тошкент — она шахрим» «Соғлом алоҳ учун» халқаро хайрия жағмармаси Тошкент шаҳар таъни маскани ташаббуси билан «Тошкент — она шахрим» саноатхўхотпоедин ташкил этилди. Уқувчиларнинг баҳорин тўлиқ кузларини мароқини ўтказишга хизмат қилушун ушбу автопоезда 200 нафар иккинчи олинган етим болалар пойтахтимизнинг тарихий обидалари, миллий меморчилик услубида қурилган би-нолари, санъат қошонолари билан яқиндан танишолар. Саноатхўхотпоедин ташкил қилишга ҳизмат қилушун ташкилотчиларни ва ҳомийларининг эсалик сова-галари топириқли.

Боболар дуога қўл очди Юз билан юзлашган қариялар билан ҳамсуҳбат бўлганмикин? Ҳаётнинг не-на машаққатли кунларини

(Давоми 2-бетда).

Яхшидир аччиқ ҳақиқат



«Ерни ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш ва ундан қонунга ҳилоф тарзда фойдаланиш фактлари Жиззах, ... вилоятларида кўйлаб учрайди... Ердан ҳўжасизларча ва самарасиз фойдаланиш оқибатида пахта ҳосилдорлиги Зарбдор туманида 11,9 центнер даражасида бўлди».

(Давоми 2-бетда).



КЕЛАЖАК БОҒЛАРИ

Эзгулик бирла мунаввар олам

Халқимиз азал-азалдан баҳор келиши билан ниҳол ўтказган, атрофни тозаллаган. Ёнда қилиб айтганда, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга эътибор қаратишган. Боиси "Яхшидан боғ қолади", "Тоза ва обод жойда файзу барака бўлади..."

Агар сизга энг бой одам ким, дея савол беришса, қандай жавоб берган бўлардингиз? У серфарзанд киши ёки боғ эгаси, десак, адашмаймиз.

Қишлоқда Мардон бобонинг катта боғи бўларди. Ёшлик чоғлари саратоннинг айни жазирамаси, мевалар гарқ пишган паллада ана шу боққа борардик. Отаҳон барчамизга ўрик, олма, кўксултон ва бошқа мевалардан улашарди. Унда сайр этишни жуда хуш кўрардик. Биз ҳам шундай улкан боғ яратишни орзу қилардик. Аммо лалмикор жойда ниятимизни амалга ошириш осон иш эмасди.

Мардон бобо ҳўжаликка раислик қилган чоғларида одамларнинг оғирини енгил қилиш мақсадида қишлоққа сув олиб келди. Сунгра биринчи бўлиб ана шу боғни яратди. Унинг мевасини татиб кўрмаган одам қишлоқда топилмас керак.

Мана, орадан шунча вақт ўтибдики, ҳамон Мардон бобони бундан қишлоқ аҳли ҳўрмат билан тила олади. Унинг қилган эзгу ишлари унутилгани йўқ. Хизматлари эвазига ҳўжаликка Мардон Иброҳимов

номи берилди. Боғи эса ҳамон сербаракалигича турибди.

Аслида бу хотираларнинг уйғонишига ақингинада таҳририятимизга келиб тушган хат сабаб бўлди. Уни Усмон Юсупов тумани, Гулшанбоғ маҳалласида истиқомат қилувчи Эгамберди бобо Рўзиқулов йўллабди.

— Бизнинг "Тожикистон" ширкат ҳўжалигимиздаги бугунги ўзгаришларни кўриб дилинг яйрайди, — дейилади унда. — Ушбу мактубни битишмига ҳам асл сабаб шу бўлди. Албатта, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси ўлароқ ҳўжалигимизда ҳам бир қанча хайрли ишлар қилинмоқда. Утган йили деҳқонларга ер ажратиб берилиши айни мўддао бўлди. Ҳозирда "Рўзиқулов ота", "Амонқул ота", "Фарҳод" ҳўжалиги раҳбарлари олиб бораётган ишлар таҳсинга лойиқ. Улар пахта, галла, мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириб,

кутилган натижаларга эришяпти. Эл ҳўрматига сазовор бўляпти. Айниқса, ободонлаштириш борасидаги ишлар барчаннинг кўнглидаги тадбир бўлди. Биргина "Рўзиқулов ота" фермер ҳўжалиги 2 гектар майдонга 200 туп терак, 150 туп ток, 120 туп бошқа кўчатлар ўтказишди. "Амонқул ота" ва "Фарҳод" фермер ҳўжаликлари ҳам шундай эзгу ишларга бош-қош бўлишмоқда.

Ҳўжаликдаги етидан етмиш ёшгача бўлган ҳар бир киши 4-5 тупдан мевали дарахт ниҳолларини ўтказишмоқда. Уларни парвариш қилишни ўз зиммаларига олишмоқда. Бинобарин, ҳар кимнинг ўз дарахти бўлади.

Ҳа, албатта, "Боғни боқсанг ёғ бўлар", деб бежизга айтишмаган. Ана шундай эзгу ниятлар билан мамлакатимизнинг турли жойларида ободонлаштириш ишлари олиб боришмоқда.

Бугун Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси бир пайтлардагидек ҳўжақўрсинга эмас, балки ўз оиласи, фарзанди, қолаверса, келажак авлод учун кўчат экяпти. Эрта бир кун бу ниҳоллар улкан дарахтга айланиб, шифт ҳўсил тутиши шўбҳасиз.

Музаффар НОРМАТОВ,
«Жалқ сўзи» муҳбири.

Шошилиниг!!!



«ЎЗДЭУавто» КОМПАНИЯСИ

қойилмақом ютуқ —

БИТТА АВТОМОБИЛЬ ПУЛИГА ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ

бахтли соҳиби бўлишга имкон яратади!

Уйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

7 мартдан бошлаб ўйинга қўйилган 2500 автомобиль сотила бошлади!

Шошилиниг! Имкониятингизни бой берманг!

Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!



- Уйин шартлари:**
- ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;
 - автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;
 - ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланади;
 - ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.

Маълумот учун компаниянинг Тошкентдаги ваколатхонаси телефонлари: 67-97-74, 67-33-65.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади. Телевидениеда уйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Жалқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози» ва «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида чоп этилади! Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

2002 йил — Қарияларни қадрлаш йили Кўнгли ёш инсонлар

Фарзандлар камоли йўлида меҳнат қилиб, айни кунда қарилик гашигин сураётган фахрийларни ардоқлаш ва уларнинг иззатини жойига қўйиш Андижонда анъана тусини олган. Устозларнинг мазмунли дам олишлари, саломатликларини тиклашлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Таъкидлаш жоизки, бу борада халқ таълими бошқармаси томонидан ибратли ишлар амалга ошириляптир. Уч йил аввал андижонлик педагоглар тажрибаси мамлакат миқёсида оммалаштирилган эди. Биргина «Дилқушод» сийхатгоҳида ҳозирга қадар беш минг нафарга яқин фахрий муаллимлар саломатликларини тиклашди.

Яқинда фахрийлар одадигадек вилоят халқ таълими бошқармасида жамулам бўлдилар. Улар педагогика соҳасидаги илғор тажрибаларни оммалаштириш, тарбиявий ишларни яхшилаш, баркамол авлоднинг камол топтириш юзасидан ўзаро фикрлашдилар. Ҳар бир таълим муассасасида «Устоз-шогирд» маслаҳат кенгашларини ташкил қилиш, «Қадрнома» китобини нашр этишга келишиб олдилар.

Орифжон СИДДИҚОВ, «Жалқ сўзи»нинг жамоатчи муҳбири.

Россия фирмаси йигирув ишлаб чиқариши чиқиндиси — қайта тараш тарандиларини юқори нархларда сотиб олади.

Стандарт №15
Тел.: (99871)169 39 06; 169 70 67.

Биринчи даражали МАКСИМА

салони бюртма бўйича Италия, Испания, Польшадан келтирилган ЮМШОҚ, УЙ-ЖОЙ, ОШХОНА

МЕБЕЛЛАРИ

ҳамда РАСМЛАР, ҚАНДИЛЛАР, ЁРИТТИЧЛАРНИ харид қилиш учун шу йил 1 мартда очилган, барча қулайликларга эга бўлган янги дўконга таклиф этади.

Янги дўкон манзили: Тошкент шаҳри, Д.Қунаев кўчаси, 46-уй, кўч бошо. Мўлжал: Миробод бозори. Телефон: 111-14-44.

Тасарруфида кимё, нефть ва газни қайта ишлаш, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналари бўлган уюшмалар, корпорациялар, шунингдек қўшма ва хусусий корхоналарнинг раҳбарлари диққатига!

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

2001-2002 ўқув йилида бакалаврият йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича битирувчиларни шартнома асосида ишга тақсимлашда ҳамкорлик қилишга таклиф этади.

Сиз ўз ташкилотингиз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда малакали мутахассис кадрларга бўлган талабларни жорий йилнинг 20 апрелигача тақдим этишингиз мумкин. Куйидаги жадвалда эътиборингизга битирувчиларнинг мутахассисликлар ва вилоятлар бўйича тақсимланиши ҳақида маълумот тақдим этилмоқда.

№	Таълим йўналиши	Жами битирувчилар сонин	Шу жумладан, вилоятлар бўйича тақсимот												
			Тошкент шаҳри	Тошкент вил.	Фарғона	Андижон	Наманган	Сурдаё	Жиззах	Бухоро	Самарқанд	Навоий	Қашқадарё	Сурхондарё	Хоразм
БАКАЛАВРИАТ БЎЙИЧА															
1	Атроф-муҳит муҳофазаси	20	12	3	-	-	-	-	-	-	-	-	2	3	-
2	Менежмент	39	35	2	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	1
3	Дон ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси	52	27	3	-	-	2	3	2	-	-	-	9	5	1
4	Ёғ-мой технологияси	22	6	1	-	-	4	2	-	-	-	-	4	1	3
5	Ўшт-сут, балиқ ва консерваланган маҳсулотлар технологияси	21	14	1	-	-	-	1	-	-	-	-	3	-	2
6	Қанд-бижгиш маҳсулотлари технологияси	29	21	4	-	-	-	-	-	-	-	-	4	-	-
7	Кимёвий технология ва биотехнология	25	5	1	-	-	-	-	-	-	1	3	-	-	14
8	Силикат ва зўрға суялувчан материаллар технологияси	13	5	4	1	-	-	-	-	-	-	-	2	1	-
9	Камёб, нодир ва тарқок металллар технологияси	4	1	-	-	-	-	1	-	1	1	-	-	-	-
10	Нефть ва газни қайта ишлаш технологияси	27	10	5	-	1	-	-	-	2	1	-	6	2	-
11	Синтетик ва табиий юқори молекуляр бирикмалар кимёвий технологияси	10	1	2	-	-	-	-	-	-	-	-	7	-	-
ЖАМИ:		262	137	26	1	2	6	7	2	3	2	1	40	12	7
МАГИСТРАТУРА БЎЙИЧА															
1	Атроф-муҳит муҳофазаси	7	5	2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
2	Менежмент	12	7	2	-	-	-	-	-	-	-	-	3	-	-
3	Дон ва дон маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси	15	13	-	1	-	-	-	-	-	-	-	1	-	-
4	Ёғ-мой технологияси	10	4	-	3	1	-	-	-	-	-	-	1	-	1
5	Консерваланган озиқ-овқат маҳсулотлари технологияси	6	6	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
6	Спирт технологияси	6	2	1	1	-	-	-	-	-	-	-	2	-	-
7	Вино технологияси	6	3	1	-	-	-	-	-	-	-	-	3	-	-
8	Ноорганик моддалар кимёвий технологияси	6	3	1	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2
9	Керамика ва зўрға суялувчан материаллар технологияси	5	2	2	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-	-
10	Нефть маҳсулотларини тозалаш ва рекуперация қилиш	5	3	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2	-	-
ЖАМИ:		78	48	8	5	1	-	-	-	-	-	-	1	12	3

Сиз ўзингизни қизиқтирган мутахассисликлар бўйича битирувчилар билан бевосита учрашиб, суҳбатлашингиз, уларнинг диплом ҳимояларида қатнашиб, эгаллаган билимларига ишонч ҳосил қилишингиз ёки қўшимча маълумотларга эга бўлишингиз имконияти мавжуд. Бундан ташқари ўз ходимларингиз малакасини ошириш ёки қайта тайёрлаш, шунингдек иккинчи мутахассислик сифатида таълим олишлари учун институт билан ҳамкорликда кадрлар сифатини ва салоҳиятини оширишингиз мумкин.

Таклифлар билан институтнинг маркетинг хизмати бўлимига мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 32-уй, 3-қават, 302-хона. Телефонлар: 144-79-22, 144-79-27.

Китоблар оламида

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН
INDEPENDENT UZBEKISTAN

«Мустақил Ўзбекистон» Қомусномаси

Мустақилликка эришганимиздан бўён ўлка-минимиздан кўп қирралли ҳаёти, порлоқ келажак билан қизиқувчилар сонин тобора кўпаймоқда. Шу боис Ўзбекистон ҳақида бой мазмунли, қисқа маълумотнома нашр қилишга талаб турган эди. «Мустақил Ўзбекистон» номли ўзбек, инглиз тилида чиққан китоб натижа, деб ўйлаймиз. «Меҳнат» нашриётида тайёрланган қомуснома ҳар йили мамлакатимизга таъриф буюраётган хорижликлар учунгина эмас, балки кенг китобхоналарга ҳам бебаҳо қўланмадир.

Сермазун қомус иқтисодчи олимларимиз С.Ҳуломов, Р.Ўбайдулла ва Э.Аҳмедов томонидан яратилган. Асарда республикамиз тарихи мухтасар ёритилган. Ўлкаимизнинг маъмурий-ҳудудий тузилиши янги маълумотлар асосида баён этилади. Иқтисодий ривожланиш соноат, қишлоқ ҳўжалиги, транспорт, алоқа ва бошқа соҳалар билан узини боғлаган ҳолда ёритилган ҳамда уларнинг мамлакатимиз миллий даромади кўпайишидаги роли кўрсатилган.

Республиканинг маъмурий-ҳудудий тузилишини таърифлашда мамлакатимизнинг ҳар бир вилояти ҳусусида қисқа, аммо зарурий аборотлар келтирилган. Шунингдек, китобда ёритилган вилоятларнинг солиштирма таҳлили муваффақиятли чиққан.

Ўзбекистон аҳолисини сони бўйича Марказий Осиё давлатлари орасида биринчи, Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида эса Россия ва Украинадан кейин учинчи ўринда туриши, республикамиз аҳолисини йилга тахминан 350-400 минг кишига кўпайиб бораётганини жадвалларда ўз аксини топган.

Китобдаги қизқаркли маълумотлардан бири Ўзбекистон аҳолисининг 100 йиллик Усинининг инфодаловчи жадвалдир. Атар 1900 йилда Ўзбекистон аҳолисини 4016 минг киши бўлган бўлса, 2000 йилда 24488 минг киши қилган — олти баробардан кўпроқ ошган.

Ўзбекистон соноатида бағишланган саҳифаларда ёқили-энергетика, металлургия, машинасозлик ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи тармоқларнинг ривожланиши, автомобилсозликнинг йирик маркази «ЎДЭУ», шунингдек Самарқандда бунёд этилган «Сам-Коч Авто» ва бошқа қатор корхоналар ҳақида маълумот берилди. Шунингдек, китобда қишлоқ ҳўжалигининг асосий тармоғи бўлган пахтачилик айниқса яқин ёритилган.

Маълумки, Юртбошимиз кадрлар тайёрлаш масаласида алоҳида эътибор қаратмоқда. Кейинги йилларда бу борада қатор муҳим фармон, қарорлар қабул қилинганлиги ҳам бунини исботлаб турибди. Таълим тизимида ажратилган сарф-харажатлар даражаси бўйича Ўзбекистон жаҳоннинг етуқ мамлакатларига яқинлашиб бораётганини муаллимлар кўрсатиб ўтганлар.

Китоб «Ўзбекистон ва жаҳон» номли боб билан якунланади. Унда Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон мамлакатлари орасида ўзининг мустақкам ўрнини эгаллагани кўрсатилади.

«Мустақил Ўзбекистон» мустақиллигимиз ҳақида ҳар томонлама маълумот берадиган бебаҳо нашрлар қаторидан жой олиши шўбҳасиз. Яқин истак тарзида шунинг айни муҳимки, китобнинг кейинги нашрида шаҳарларимиз ва қишлоқларимиз, банк ва молия тизими, сууртуба киши соҳаларга кенроқ ўрин бериш лозим, деб ўйлаймиз.

Ҳикмат СОБИРОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор.

Луқма

СОХТА «спринт»лар

Ҳозир кўчаларда нима кўпайди? Кўнгличор ўйинлар. Деярли аҳоли гажум кўчалар, оромгоҳларнинг ҳар қодамида спортлото, турли лотереялар, спринт ўйинлари учраб туради. Бу ўйинларнинг хавосини олган бошловчиларнинг овози эса кулоқларини қоматта келтирилади. Базиллар бекорчиликдан, базиллар эса қизиққанлигидан ҳеч бўлмаса бир марта бўлса ҳам дилхушликка лотерея сотиб олади, спринт ўйнайди.

Афсуски, Молия вазирлиги томонидан қатъий назоратга олинган бу ўйинлардан ҳам ўз шахсий манфаати йўлида фойдаланётган олиғлар ҳам топилди қолди. Раҳмат Аминов, Баҳодир Отажонов, Шерали Сатторов, Азиз Нурматовлар деҳқон бозорига спринт ўйини бозори қаққонлигини билиб, ўзлари қомпоғлардан сохта спринт лотереяларини тайёрлаб, Кўкон деҳқон бозорининг энг гажум жойида севдони қизитиб юборишди.

«Ишбилармон»ларнинг ноқуя ҳаракатлари, ҳуфино тайёрлаган сохта лотереялари солиққа оид жиноятларга қарши кураш бўйича тазкор ҳодимларнинг айтиб бериши тортди. Улар қисқа мuddат ичиде 89 минг сўмлик сохта спринт ларни сотишга улгуришган экан. Шунингдек, уллардан 1780 данга сохта спринт лотереялари ҳамда 1 комплект компьютер деклария доллийи ошб сифатда олиб кўйилди.

Энди уллар сохта спринт-ни терговчилар билан бирга махсус жойларда «ўйнашлари шубҳасиз. Ёзвон тумани Халқ банкнинг раҳбари Улуғбек Ганиев эса Халқаро Бобур жағгармасининг «Бахт кўши» лотерея лотереясини ўзлаштириб, «ном чиқарди». У раҳбарлик қилаётган давлат тижорат Халқ банкига 16 миллион сўмлик «Бахт кўши» лотереясини сотиб бериш учун шартнома асосида ташлаб кетишди.

Бундан аралашган туман солиққа оид жиноятларга қарши кураш бўлими ходимлари масалани ойдинлик киритишди. Чунки «ишбилармон» раҳбар 12 миллион 570 минг сўм нақд пулни хазинага кирим қилмай, шахсий манфаати учун иштибоб юборган экан. Ҳўш, бундан фойда жағгарма зарар кўрдики! Афсуски, лотереяни сотишдан ў раҳбарлик қилаётган банк 1 миллион 600 минг сўм даромад кўриши, бундан давлат бюджетига эса 510 минг 720 сўм даромад солини ўзлаштириб олган экан. «Қилмиш-қилдириш» лотереялари, деқ, Улуғбек Ганиев бир халласи билан 3 та ташкилотни ашдамоқчи бўлди. Лекин қилмишини хар қанча ҳаспўшлагани уринмасин, махсус ошкор, энг ёмони, ашорт олдиде туллаган обрўс бир пул бўлди.

Набижон СОБИР, «Халқ сўзи» мухбири.



Чегарачилар

Мамлакатимиз сарҳадларини куну тун мард ва жасур ўғлонларимиз, чегара посбонлари сергаклик билан кўз қорачиқдек авайлаб-асрамоқдалар. Жумладан, республикаимизнинг жанубий дарвозаси бўлмиш Сурхондарё вилояти билан қўшни Афғонистон ўртасидаги Термиз чегара поstdа халқимизнинг асл фарзандлари юртимиз дахлсизлигини ҳимоя қилмоқда.

И.ХҲЖАЕВ (У.А) олган сурат.

САВОЛ БИЗДАН...

Европа Иттифоқи қароргоҳи қаерда жойлашган?

Кечяги сондаги саволнинг жавоби: Каспий денгизи 360700 квадрат километр.

136-35-60

чиқай деб қолган ўқни юлиб олди.

Ойниша қизиб кетди. Яна икки соатча жанг борди. Фуломжон қуролни қўлдан қўймади. Багани қузиғани учун оғриқни сезмас, қон тўхтамасди. Жанг нияҳосига етганда, у боши айланганда, ҳолсизлиб боратганини сездди. Ниҳоят, тепасидеги қолдулар чарх уриб айланиб кетди-да, Фуломжон йиқилди.

Ийигит гўё ажалга қарши бутун вужуди билан курашга отланган эди. Қўллари мушт бўлиб тузилганича ўлим билан олиш-олиша ҳаётдан қўз юмди. Фуломжоннинг жасадини уйга олиб келишди. Унинг қўллари мушт бўлиб қотиб қолганди.

Сўнги нафасида «Мен ўлмаслигим керак, оғамни Ёлғиз ташлаб кетмаслигим керак», — деб қўллариини мушт қилганича қор борди, — деди қаҳрамонини олиб келган хизматдоши.

Кўз ёшлари сел-сел бўлган она ўғлининг жасди ёнига келди. — Бодажоним, берган оқ сўмига мингдан-минг розман. Сен ҳаммамизнинг олдимида поксан, безовта бўлма, руҳинг тиҳч бўлсин, — деди йиғлаб ва Фуломжоннинг қафтарини силди. Шунда йигитнинг муштлари ўз-ўзидан очилди. Хали қафтарли илқидна эди. Ажабо, жаҳонда инсон англамайдиган сир-синаот кўп экан-да. Одамнинг жони энг охири қафта сақланади деганлари шунимкан?

Чори ака Хусановнинг уйданман. Суратлар, газета-журналлар, буйруқлардан кўйрималар, Фуломжон олган фаҳрий ерлик, медаллар... Айниқса, унинг хизмат давомида тушган суратларидан тайёрланган альбомни диққатини тортди. Альбомнинг биринчи бетига «Онаизор нилоси» сарлавҳаси остида Рўзихол опа тилидан қўйилган битилган экан: «Фуломжон, ўғлим, онаизоринг бу дунёда тирик экан, сен ҳам менинг қалбимда доимо тириксан».

Фуломжон Хусанов жангда кўрсатган мардлиги, жасорати, фидойилиги учун Президентимиз Фармони билан 2000 йилнинг 20 августда «Жасурат» медали билан тақдирланди. Ҳа, у шундай муқофотга муносиб эди. Бизнингча, Фуломжон Хусанов номини, хотираини адабийлаштириш билан унинг руҳи шод қилина хизматларини, фидойилигини муносиб қадрлаган, тақдирлаган бўларик.

Мухаммад АЗИМОВ, Термиз.

МАРДЛАР КЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Оилада ўғил туғилганида, Чори Хусановнинг ҳам, Рўзихол Хайитованинг ҳам боши кўкка етди. Фарзандлари иккита бўлди. Бунинг устига, ўғил оиланинг суяничи, насл-насаб давомчиси. Оила шодлигига Чорининг амакиси, Ҳасан бобо ҳам шерик бўлди: «Унга урушда шахид кетган укам Фуломжоннинг исмини кўйсақ. Уйланмай, ўн гулидан бир гули очилмай кетган Фуломжоннинг номи ўчмасин!»

Фуломжоннинг жасорати

са, дарвоза олдиде иккита қиз қимтинганига турибди. Улардан бири Фуломжонни яхши кўрган қиз эканлигини дарҳол оталик қалби билан ҳис қилди. Ичкари кириб, хотинига шивирлади:

— Онаси бўлажақ келинингни кутиб ол.

Қизлар Фуломжондан хат-хат йўқлиги учун хавотир олиб келишган экан. Қалби гул-гул очилган онаизоринг айланб-ўргиллавиришдан тортииб-қимтиниб, хижолат чекиб, туришарди...

17 августда — ўлимидан бир кун олдин Фуломжоннинг ўзи ҳам кириб келди. Ишдан уйга қайтган отанинг кўзи, аввало, ошик олдидаги янги ҳарбийча пойабзалга тушди. Уни киийиб кўради, оёғига лоппа-лойиқ. Угли билан икковиари бир хил ўлчамдаги пойабзал киийишарди. Демак, Фуломжон келибди.

Нурдидиласи уйда йўқ эди. У отаниларди, Ёру бирорларини кўргани чикиб кетибди. Негалик, ҳаммани бир четдан кўриб чиққиси келганими?.. Аввало, отасининг онаси — Норҳол момосини кўргани борди:

— Мен билан қучқоқлашиб кўришганлар, ахир ўт-олов ичиндан келмаган, — деди момосининг ёнидагиларга. Опаси Дилафрўзнинг уйига борганда, атайин ичкарига туфлисини ечмасдан кирди. Гиламда излари қолди. Ундан нега бундай қилганини сўраган онаси:

— Уйингизда изини қолдиришмоқчиман. Сизларга мени эсла-тиб турсин, — деди. Дилафрўз унинг бу гапларига ҳайрон қолди, дилига гашлик чўқди.

18 август кунни кечқурун соат 7 ларда Фуломжонлар гуруҳи унга ақратилган худудни тозалашини бошлади. Тепада вертолёт

учиб юрар, ишгол гуруҳи қалам-бақалам илгариларди. Қоронги тушиб келарди. Тўсатдан уллар террорчилар пистирмасига дуч келиб қолдишди. Отишма бошланди. Шу ерда Фарҳод Абдуллаев душман ўқидан ҳалок бўлди. Яна бир хизматдоши — Анвар Йўлдошевнинг қўли араланди. Оқид Холмуродов ўнг биқинидан ўқ еб, йиқилди. Фуломжон тинмай отарди. Душманлардан иккитасини жон таслим қилди. Тўсатдан унинг яғрини жи этди. Командирини ва тиббиёт ҳодими:

— Менига ўқ текканга ўқшайди, — деди. Улар ним қоронғида йигитнинг у ўқ-бугини шоша-пиша қўлдан кечирди. Баганининг олд томонида қор изи йўқ эди.

— Йў-е, — дейишди уллар. — Ҳеч нарса билдирмайди-ку.

Рост, ўқ тегди. Оғра томонидан, мана у — Фуломжон ордан кириб, юрак томонидан

DAEWOO UNITEL КАМОЛОТ САРИ

1 Daewoo Unitelни 45000 дан зиёд абонент танлади

2 GSM 1800MHz & 900MHz Тошкентда икки турдаги тармоқ ишламоқда

3 Апрель ойида Daewoo Unitel абонентлари Ўзбекистоннинг барча йирик шаҳарларида, жумладан, Нукус, Урганч ва Хивада юқори сифатли алоқадан фойдаланишлари мумкин

БЕПУЛ УЛАНИШ

Ҳафта кўшимча 1000 миқдорга SIM КАРТА учун 50% ЧЕГИРМА

янги хизмат кўрсатиш пакети КОМФОРТ АБОНЕНТ ТЎЛОВИСИЗ!!!



For your satisfaction only!

Бош офис: Тошкент ш., Бухоро кўчаси, 1. Телефон: 185-00-22 йкн *22 - савдо бўлими

«Intercontinental» меҳмонхонасидаги филиал: Тошкент ш., Амир Темур кўчаси, 107а. Телефон: 185-09-80.

Компаниянинг вилоятлардаги офислари: Фарғона: 24-10-31, Кўкон: 2-33-30 Наманган: 4-22-02, Андижон: 53-33-30 Бухоро: 223-05-36, Самарқанд: 33-09-06 Қарши: 3-65-01

Дилчилик: РТ № 000123

Савдо ва тижоратга кўмаклашувчи «Савдогар» акциядорлик тижорат банки

ўз акциядорларига 2002 йил 27 апрель соат 10.00да Тошкент шаҳри, Сайид Барақа кўчаси, 76-уйда 2001 йил якуни бўйича акциядорлар умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

КҲН ТАРТИБИ:

- 1. «Савдогарбанк»нинг 2001 йилги якулари ва банк фаолиятининг 2002 йилги асосий вазифалари.
2. «Савдогарбанк»нинг йиллик ҳисоботи, бухгалтерлик баланси, фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш ҳамда банк фойдасини тақсимлаш тўғрисида.
3. «Савдогарбанк» тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
4. «Савдогарбанк» кенгаши ва тафтиш комиссияси таркиби тўғрисида.
5. Кўшимча чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар ҳисобига «Савдогарбанк»нинг устав капиталини ошириш ва эълон қилинган акциялар миқдорини белгилаш ҳамда уставга тегишли ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
6. «Савдогарбанк» ташқи аудиторини тасдиқлаш тўғрисида.

Акциядорлар қайд этилган манзилда соат 8.30дан 9.45гача рўйхатта олинади.

Маълумот олиш учун телефонлар: 54-19-38, 54-18-65.

«Савдогарбанк» кенгаши.

ЮКЛАРНИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ТАШИШДАН ФОЙДАЛАНУВЧИ ЭКСПЕДИТОРЛИК ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

2002 йил 1 апрелдан 30 июлгача

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси темир йўл транспортида Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиб кетиладиган куйидаги юклар: қора металллар прокати, цемент, минерал ўғитлар, пахта толасига кўшимча шартнома тузилган тақдирда тарифдан

30 фоизгача миқдорда ЧЕГИРМА берилади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Жиззах вилоят маданият ишлари бошқармаси бошлиғи Эргаш Уриновга падали бузуқворлик Уриной ота РОЗИҚОВнинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардик изҳор этади.

«Ўзбекино» компанияси ва Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси жамоалари бирлашма аъзоси, кинорежиссер Файзулла ХҲЖАЕВнинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чўқур таъзия билдиради.



МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ
Тахрир хайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоев, И. Шогуломов, О. Қашбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ҳ. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўттиш тартиби № 00001
Буюртма Т-294, 38254 нускада босилган, ҳажми — 2 тўбоқ. Офсет усулида босилган.
Қотиз бичими А-2
Газета IBM компьютерлари тарида на операторлар Жамият ТОВАЕВ ва Зокир БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.
Тахририятда ҳажми 5 қондан ибид материаллар қабул қилинмайди.
П - Тижорат материалли

● МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Худоев.
Навбатчи — У. Файзулла.
Мусаҳҳих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 топириш вақти: 20.45 1 2 3 4 5 6